



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «30» ноября

105-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 сентябрдаги 563-Ғ сонли фармойиши билан тасдиқланган халқаро ёнғин ўчирувчилар ва қутқарувчилар спорти федерацияси Президенти генерал-полковник А.Чуприян бошчилигидаги халқаро федерацияга аъзо давлатлар делегацияларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи дастури, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарининг 2021 йил 5 ноябрдаги 31-31/14-30-сонли мажлис баёни, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 8 ноябрдаги 01-85- сонли “Йўл харитаси” ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича бошқармасининг 2021 йил 23 ноябрдаги 05-321-сонли мурожаатини инобатга олиб,

1. Халқаро ёнғин ўчирувчилар ва қутқарувчилар спорти федерацияси конференцияси иштирокчиларини 2021 йил 12-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида кутиб олиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қоплаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишлар бошқармасига 94 430 815 (тўқсон тўрт миллион тўрт юз ўттиз минг саккиз юз ўн беш) сўм миқдоридаги маблағ Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли

ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишлар бошқармаси (С.Таиров):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилинсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.